



Янгиланиш қиёфада эмас,
ТАФАККУР ВА МАҚСАДЛАРДА
акс этипти

2-с.

Орасталик фақатгина
КУЧА СУПУРИШ,
дегани эмас

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№61
(2389)

2026 йил
1 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

САМАРҚАНД
МАҲАЛЛАЛАРИДА
“ЕТТИЛИК”
ФАОЛИЯТИ
ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Самарқанд вилояти маҳаллаларида бўлиб, “еттилик” фаолиятини кўздан кечирди, бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Уюшма раиси Самарқанд туманидаги “Талибарзу Боло” маҳалласида барпо этилаётган янги маҳалла биноси қурилиши жараёнини бориб кўрди. Бу ерда аҳоли учун яратилаётган замонавий инфратузилма, хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хоналар ҳамда атроф ҳудудни кўкаламзорлаштириш ишлари кўздан кечирилди.

Шунингдек, маҳалла биноси аҳоли мурожаатларини қабул қилиш, ижтимоий хизматларни самарали ташкил этиш ва фуқаролар учун янада қулай шароит яратишга хизмат қилиши таъкидланди. Масъуллар билан мулоқот чоғида қурилиш ишларининг сифати, белгиланган муддатларга риоя этилиши, қурилиш материалларининг мустаҳкамлиги ҳамда ҳудудни ободонлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Қаҳрамон Қуронбоев Каттақўрғон туманидаги “Болтали” маҳалласида амалга оширилаётган қурилиш, ободонлаштириш ва инфратузилмани яхшилаш ишлари билан ҳам танишди. Таширф давомида маҳаллаларда бугунги кунда кенг қўламда ўтказилаётган “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” доирасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Худудларни янада обод қилиш, кўчаларни тартибга келтириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, бу борада аҳоли иштирокини кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар юксак баҳоланди.

5



БОЛАМ
ЎҚИМАЯПТИ... БАЛКИ МУАММО
КИТОБДА ЭМАСДИР?



НИГОҲ

ОБОДЛИКНИНГ
ҲАҚИҚИЙ МЕЗОНИ —
ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИДИР

БУ — “МАҲАЛЛАДА ОБОДЛИК ВА МЕҲР-САХОВАТ
ОЙЛИГИ”ДА ОЙДИНЛАШГАН ҲАҚИҚАТ!

Ободлик ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг кўз олдига супурилган кўчалар, оқланган дарахтлар, гул экилган ҳовлилар келади. Аслида эса ободликнинг энг муҳим мезони — бошқарув сифати. Қаерда тизим ва масъулият устувор бўлса, ўша ерда ободлик барқарор бўлади. Акс ҳолда энг катта маблағ ҳам кутилган самарани бермайди.

у маънода мамлакатимизда ўтказилаётган “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” нафақат ҳудудларни тартибга келтириш, балки маҳалла бошқарув тизимини синовдан ўтказётган катта амалиётга айланди. Бу ойлик давомида фақат ариқлар тозаланмади, йўллар таъмирланмади ёки дарахтлар оқланмади. Энг муҳими, йиллар давомида йиғилиб келган ташкилий муаммолар ҳам юзага чиқди.

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТ
Республика бўйича 7,7 миллионга хонадон хатловдан ўтказилди. Бу — улкан кўрсаткич. Аммо хатлов натижаси янада жиддий манзарани очди — 1,7 миллионга хонадонда қурилиш, таъмирлаш ёки ободонлаштириш ишларини амалга ошириш зарурлиги маълум бўлди.

Бу рақамлар маҳаллаларда манзилли ишлаш кучайганини кўрсатади. Бироқ улар йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳали ҳам кўпчилигини очик намоён қилди. Демак, ойлик фақат натижани эмас, ҳал этилиши лозим бўлган вазибаларни ҳам кўрсатиб берди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Ажрашишлар кўпайган, кўпроқ хиёнат сабабми?

Биринчи навбатда, садақат туйғуси оиладаги тарбия орқали синдирилиши зарур. Қолаверса, ёшларнинг аксарияти фақатгина ота-онанинг қелишуви билан турмуш қўрапти. Айримлари тўйдан олдин бир-икки ҳафтагина учрашади, холос.

4-с.

Ёшларни койиш эмас, тушунмоқ керак, натижа доим тушунганларда бўлади

“Ўйлагандимки, ёшларнинг муаммосини тинглаб, ишга жойлаштириб, тадбирларга жалб қилсам, вазифамни бажарган бўламан. Лекин бу жараён қорғоз билан эмас, инсоннинг тақдири билан ишлаш экан”.

5-с.

Боқиманда бўлган қарам, меҳнат қилган мукаррам бўлади

Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асарини барчамиз севиб мутолаа қилганмиз. Бош қаҳрамон Ҳошимжоннинг бошдан кечирган саргузаштлари ҳали-ҳамон ёдимизда. Бир қарашда воқеалар қулғули ва тўқимадек кўриниши мумкин.

6-с.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”: НЕГА АЪЗОЛАР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДАН БЎЛИШИ МУҲИМ?

Маҳалламиз республикадаги “ТОП-100” та маҳалла қаторига киргани ҳақида хабар келган куни қувонганмиз, албатта. Лекин ўша куниеқ ўзимга бир савол бердим: “Энди нима қиламиз?”

Чунки эътирофни олиш бир гап, уни ҳар куни меҳнат билан оқлаш бошқа гап. Бу рўйхатга тушганингиздан кейин одамлар сиздан янада кўпроқ натижа кутади. Шунинг учун мен “ТОП-100”ни мукофот эмас, ҳар куни ҳисоб бериб яшайдиган масъулият, деб биламан.

Маҳалла тизимида кўп йиллардан буён меҳнат қиламан. Шу даврда бир ҳақиқатга амин бўлдим: кейинги ўн йилда маҳалланинг ўрни ва нуфузи бутунлай ўзгарди. Илгари маҳалла кўпроқ ижтимоий масалалар билан чекланган бўлса, бугун у аҳоли бандлиги, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя, жамоатчилик назорати ва ташаббусларнинг ҳақиқий марказига айланди.




Бу борада Президентимизнинг “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони маҳалла ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Айниқса, маҳалла раисига “еттилик” фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча ваколатлар берилгани амалда ўз самарасини кўрсатмоқда. Чунки аҳолининг муаммоси битта бўлса, уни ҳал қиладиган жамoa ҳам ягона мақсад атрофида ишлаши керак. Бугун бунини ўз фаолиятимизда ҳар куни ҳис қиляпмиз.

Давоми 2-саҳифада.

8



БИР ФОЖИАНИНГ
ОЛДИ ОЛИНДИ,
АММО...



ЎЗБЕКИСТОН
ва ҚИРҒИЗ
РЕСПУБЛИКАЛАРИ
ўртасида Иттифоқчилик
муносабатлари
тўғрисидаги шартнома
имзоланди.



Тошкент шаҳрини
2026-2027 йилларда
ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш бўйича
ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ
ИМЗОЛАНДИ.



1 августдан
“ТАШАББУСЛИ
БЮДЖЕТ” лойиҳасида
депутатлар бир нечта
лоийхани қўшимча
ғолиб деб эълон
қилиши мумкин.

2 №61 2026 йил 1 АВГУСТ, ШАНБА

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ —
МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ОБОДЛИКНИНГ ҲАҚИҚИЙ МЕЗОНИ — ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИДИР

БУ — “МАҲАЛЛАДА ОБОДЛИК ВА МЕҲР-САХОВАТ ОЙЛИГИ” ДА ОЙДИНЛАШГАН ҲАҚИҚАТ!

Жамшид НАЗАРБОВЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси бош мутахассиси.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бугунги кунга қадар ойлик доирасида 24 минг 254 та хонадонда, 17 минг 122 та кўп қаватли уй-жойларда тозалаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ички йўлларнинг 517 километр қисми асфальтланди, 661 километри шағаллаштририлди, 85 мингдан зиёд хонадоннинг томоркасига экин экилди, 25 миллион тупдан ортиқ мавсумий гуллар ҳамда 28 миллион дона райхон тўзалинди. 8 885 та қабристон тозаланди ва тартибга келтирилди.

НЕГА РАҲБАРЛАР ИШДАН ОЛИНДИ?

“Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги”нинг энг муҳим воқелиги — амалга оширилган ишлар эмас, балки қабул қилинган қатъий қарорлар билан боғлиқ қарорлар бўлди. Ободонлаштириш ишларини талаб даражасида ташкил этмагани учун Уюшманинг **Сурхондарё, Бухоро ва Тошкент вилояти** бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, **Ангрен, Бекобод, Зарафшон, Қўқон шаҳарлари, Оҳангарон, Окқўрғон, Шуманай, Балиқчи, Ангор туманлари бўлим бошлиқлари** лавозимидан озод этилди.

Бу одам чекланилмади. **199 нафар маҳалла раиси** фаолияти қайта баҳоланди. Шундан **54 нафарининг** ваколати муддатидан аввал тугатилди. Бу рақамлар оддий статистика эмас. Бу — масъулиятга берилган сиёсий баҳодир.



ҲИСОБОТ ЭМАС, НАТИЖА МУҲИМ!

Хар қандай оммавий тадбирнинг бир хавфли жиҳати бор. У ҳам бўлса — натижа ўрнига ҳисоботга ишлаш. Нечта дарахт оқланди? Нечта километр ариқ тозаланди? Нечта хонадон таъмирланди? Албатта, бу кўрсаткичлар муҳим. Лекин аҳоли учун янада муҳим савол бошқача: **бу ишлар бир ойдан кейин ҳам сақланидими?**

Кўп ҳолларда ҳашар тугайди, аммо икки ҳафтадан кейин яна чиқиндилар тўпланади, ариқлар ифлосланади, кўчалар қаровсиз қолади. Демак, барқарор ободликнинг асоси — бир марталиқ акция эмас, балки доимий тизимдир.

Бугун маҳалладаги барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун **“ёттилик” тизими** жорий қилинган. Аммо айрим ҳудудларда айнан шу тизимнинг мувофиқлаштирилиши оқсаетгани кўринди. Вазифалар тақсимланган, лекин жавобгарлик аниқ эмас. Ҳисоботлар бор, лекин натижа кўринмайди. Муаммо аниқ, аммо ечим кечикади.

Шунинг учун ҳам энди **8 993 та маҳалладан кунлик маълумот олиш, танқидий муҳокама қилиш ва раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш** белгиланмоқда. Бу тўғри қарор. Лекин унинг натижаси қоғозда эмас, маҳаллада сезилиши керак.

РАҚАМЛИ НАЗОРАТ — ЯНГИ БОСҚИЧ

Энг муҳим янгиликлардан бири — **“Рақамли маҳалла” платформасида ягона электрон ободлик харитаси** яратилишидир. Мазкур тизим қайси хонадон таъмирталаб, қайси кўчада муаммо бор, қайси объектга маблағ ажратилган, қайси раҳбар вазифасини бажармаган — буларнинг барчасини очик кўрсатади. Бу эса субъектив баҳоларни камайтириб, ҳақиқий натижага асосланган бошқарувни шакллантириши мумкин.

Йўл асфальтлашиши мумкин. Дарахт оқланиши мумкин. Гуллар экилиши мумкин. Аммо одамнинг дунёқараши ўзгармаса, барча ишлар вақтинчалик бўлиб қолаверади. Шу мақсадда “Ободликка ҳиссам” ва “Кўшиллар кўмаги” ижтимоий ҳаракатлари аҳоли ташаббускорлиги ва ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтиришга хизмат қилади. “Энг обод кўча”, “Энг фойдали ҳовли”, “Энг намунали маҳалла” танловлари инсонларни ободликка чорлайди.

ХУЛОСА ЎРНИДА

“Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” бир муҳим ҳақиқатни яна бир бор исботлади: ободликнинг мустақкам пойдевори, аввало, фуқаролик масъулияти, юксак маданият, интизом ва тизимли бошқарувдир. Обод муҳитни барпо этишдан ҳам муҳимроғи — уни сақлаб қолиш, ҳар бир ҳудудда бу қадриятни кундалик ҳаёт меъёрига ойлантиришдир.

Шу маънода ойликнинг ҳақиқий натижаси оқланган дарахтлар, тозаланган ариқлар ёки таъмирланган йўлаклар сони билан эмас, балки унинг ортидан шаклланган муносабат билан баҳоланади. Агар бир йилдан кейин ҳам маҳаллаларда шу озодалик, тартиб ва ҳамжиҳатлик сақлониб қолса, ҳар бир хонадон ободлики ўзининг шахсий масъулияти деб билса, демак, бу ташаббус ўзининг энг асосий мақсадига эришган бўлади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”: НЕГА АЪЗОЛАР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДАН БЎЛИШИ МУҲИМ?



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Нурғали САНГАРАЕВ,
Томди туманидаги
Ақтов овул фуқаролар
йиғини раиси.

Маҳаллада ишларни идорада ўтириб, ҳисобот тайёрлаш билан тасаввур қилиб бўлмайди. Агар хонадонга кирмасангиз, одамнинг кўнглидаги дардни, эҳтиёжини ва имкониятини билмайсиз.

Хатловда маҳалламизда 12 нафар ишсиз ва кам даромадли оила вакиллари бор эди. “Еттилик” аъзолари уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашди. Кимнинг қандай касби бор, ким нимага қизиқади, қаерда ишлаши мумкин — шуларни ўргандик. Натижада уларнинг барчаси доимий иш билан таъминланди.

Масалан, Ботиржон Аҳмедов илгари мактабда қорувул сифатида ишлаб, ойига тахминан 1,5 миллион сўм иш ҳақи олган. Қизиқишидан келиб чиқиб, уни ишлаб чиқариш корхонасига ишга жойладик, ҳозирнинг ўзида 4 миллион сўм маош оляпти. Абдинаби Абдибеков, Бақберген Танатаров ва бошқа бир қатор фуқаролар Зарафшон шаҳридаги Навоий

кон-металлургия комбинати ҳамда “Aurum Global Group” МЧЖ конларига ишга қабул қилинди.

Амалийётдан келиб чиқиб, бир таклифим бор. Менимча, имконият бўлган жойларда **“маҳалла еттилиги” таркибига айнан шу маҳаллада яшайдиган, одамларни яхши танийдиган мутахассислар жалб этилса**, иш самараси янада ортади. Чунки маҳаллада яшайдиган инсон ҳар бир хонадоннинг ҳолатини, оилаларнинг ўзига хос жиҳатларини ва кимга қандай ёрдам зарурлигини яхши билади. Бу эса қарор қабул қилишда ҳам, муаммони тез ҳал этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир таклиф — **олис ҳудуд маҳаллаларига нисбатан ёндашувни қайта кўриб чиқиш лозим**. Чекка ҳудудларнинг шароити, имконияти ва эҳтиёжлари марказдагидан фарқ қилади. Шу боис бундай маҳаллалар учун алоҳида кўлаб-қувватлаш дастурлари, инфратузилмага қўшимча маблағлар ҳамда малакали кадрларни рағбатлантириш тизими янада кучайтирилиши керак. Чекка ҳудудда меҳнат қилаётган мутахассис ўз меҳнати қадрланаётганини ҳис қилса, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА”

Янгиланиш қиёфада эмас, ТАФАККУР ВА МАҚСАДЛАРДА акс этяпти

“Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси раиси кубоги” учун “Заковат” интеллектуал ўйинларининг туман (шаҳар) босқичлари давом этмоқда.

Эркин ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Шеробод тумани
бўлими бош мутахассиси.

Шеробод туманидаги қарийб олти минг нафар аҳоли яшайдиган “Дехқон-арик” маҳалласига “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилиб, инфратузилмани яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ишлари амалга ошириляпти.

Лойиҳа доирасида маҳаллада 150 ўринли 31-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. Муассасада кенг ва ёруғ гуруҳ хоналари, замонавий жиҳозланган ошхона, мусика ва маданий тадбирлар зали, болалар учун хавфсиз ўйин майдончалари, очик ҳавода машғулотлар ўтказиш имконини берувчи ёзги айвончалар ҳамда бошқа қулайликлар яратилди.



Айни пайтда дам олиш масканлари, болалар ва спорт майдончалари, пиёдалар ҳамда саломатлик йўлакчаларини барпо этиш якунланяпти. Шунингдек, яқин келажақда маҳалла ҳудудида кичик бозор, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, ҳунармандчилик устхоналари очиш режалаштирилган.

Маҳалла раиси Улфат Бозоровнинг қайд этишича, ободонлаштириш ишларининг асосий йўналишларидан бири — ички кўчаларни таъмирлаш ва асфальт қопламасини янгилашдан иборат бўлди. Бу орқали аҳоли учун хавфсиз ва қулай ҳаракатланиш имконияти яратилди, транспорт катнови яхшиланди. Шу билан бирга, маҳаллада 3,5 километр электр тармоғи тортиляпти. Яқин вақт ичида ичимлик ва сугориш сув таъминотини яхшилаш учун иккита насос ҳамда учта замонавий трансформатор пункти ўрнатилди.

Айтиш керакки, жараёнда нафақат инфратузилма янгилан-

моқда, балки аҳолини ишли қилиш, камбағалликни қисқартириш чоралари ҳам кўриляпти. Бу борада томорқа имкониятидан самарали фойдаланишга шароит яратилмоқда. Маҳалланинг “усиш нуқтаси” — деҳқончилик. **Ҳоким ёрдамчиси Фарход Сафаровнинг айтишича**, ҳудудда намуна-

Энг муҳими, амалга оширилаётган янгиланишларда аҳоли вакиллари фаол иштирок этаётир. Фуқароларнинг таклиф ва ташаббуслари инобатга олиниб, маҳалланинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда иш режалари шакллантирилди. Умуман олганда, киска вақт ичида “Дехқон-арик” маҳалласига шаҳар муҳити кириб боради, у камбағаллик ва ишсизликдан холи, обод ва намунали масканга айланади.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Пахта ва буғдой етиштирувчи фермерларга дизель учун 2 МИЛЛИОН СУМГАЧА СУБСИДИЯ ажратилади.



Иссиқхоналарни иситишда мазут, битум ва шиналарни ёққанлик учун ЖАРИМАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.



Тадқиқот: Ўзбекистонда 1,2 миллион ходим ОЙИГА 1,3 МИЛЛИОН СУМГАЧА маош олмоқда.

2026 йил
1 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla №61

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ОЗОДАЛИК ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Орасталик фақатгина КУЧА СУПУРИШ, дегани эмас

БУ — ЮКСАК МАДАНИЯТ, ВАТАНГА БЎЛГАН ҲАҚИҚИЙ МУҲАББАТ БЕЛГИСИДИР



Мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрамини барчамиз “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз”, деган эзгу ғоя остида, катта шодиёна билан кутиб олишга тайёргарлик кўрапмиз.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Байрамнинг энг гўзал шукухи, файзи ва таровати, шубҳасиз, яшаб турган маҳаллалардан бошланади. Шу боис юртимизда “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” ҳамда ушбу хайрли ташаббус доирасида “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди.

Дарҳақиқат, дунёда ободликдан кўра, кўзни кувнатадиган, меҳр-оқибатдан кўра қалбни

иситадиган гўзал туйғу йўқ. Боболаримиз “Тозалик ва ободлик бор жойда барака бўлади”, деб бежиз айтмаган. Зеро, уйимиз, кўчамиз озода бўлса, хонадонимизга кут-барака киради. Бироқ, афсуски, бугун ушбу хайрли тадбирларда “Бу ишлар давлатники, менга тааллуқли эмас”, қабилида иш тутувчилар оз бўлса-да, учраб турибди. Айниқса, тозалик ва озодаликни сақлашда жамоатчилик назорати етишмаяпти.

Бу ҳолатга кундалик ҳаёти-миздан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, кўча-

миздан ўтиб кетаётган йўловчи қўлидаги елим халтасини ёки бўшаган салқин ичимлик идишини тўғри келган жойга — йўл четиغا, ариқ бўйига ташлаб кетади. Энг ачинарлиси, шундай вазиятда атрофдагилар томошабин бўлиб тураверади, ҳеч ким унга танбёх бермайди. Нега биз бундай манзараларга бефарқмиз? Аксинча, ҳар бир фуқарода дахлдорлик туйғуси бўлса, тартибни бузган кимсага қарата “Нега бу ерга чиқинди ташлаяпсиз? Бу ер бизнинг кўчамиз-ку!”, деган танбёх берса, ўша инсон кейинги сафар

ўйлаб иш қилишга одатланади.

Айни шу мавзудаги ишлар билан танишиш жараёнида Тошкент вилояти тажрибаси эътиборимизни тортди. Кўп маҳаллаларда ишлар яхши ташкил этилмаган. Лекин айрим ибратли ташаббуслар ҳам бор

— Ишчи гуруҳ ойлик доирасида барча маҳаллалар билан ҳамкорликда ишляпти, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбасари Фузайлхон Ҳошимов. — Мухими, жараёнда яхши таклиф амалга оширилди. Унга кўра, қайси маҳалла саришталик, фаришталик бўлса, биринчи навбатда, ўша ҳудуддаги кўчаларнинг асфальт ва ичимлик сув билан боғлиқ муаммолари ҳал этиладиган бўлди. Бу аҳоли ўртасида соғлом рақобат ва масъулиятни уйғотяпти.


Масалан, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Бешбой” маҳалласидаги ташаббускорликни алоҳида ўрнатқилиб кўрсатиш мумкин. Аҳоли ўзаро келишиб, хонадонларидаги барча чиқиндиларни бир жойга тўплаб, марказлашган тарзда олиб чиқиб кетишни йўлга қўйди. Натижада кўчалар чин маънода обод ва озода қиёфага кирди. Эътиборлиси, бу хайрли ишлар маҳалла раиси ва “маҳалла еттилиги”нинг жонкуярлиги, ташаббуси билан амалга оширилди. Чиндан ҳам, мана шундай фидойи етакчилар ва ҳамжиҳат аҳоли бор жойда ниятлар рўёбга чиқди, йиллаб тўпланиб қолган муаммолар ўз ечимини топади.

Унутмайлик, ободлик ва озодалик фақатгина супурги ушлаб кўча супуриш, дегани эмас. Бу — юксак маданият, имон ва Ватанга бўлган ҳақиқий муҳаббат белгисидир. Агар ҳар биримиз ўз хонадонимиз, кўчамиз ва маҳалламиз озодалиги учун ўзимизни масъул, деб ҳис этмас эканмиз, бу борадаги барча ҳаракатларимиз бекор кетади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Назира КОМИЛОВА. Қумқўрғон тумани:

— Яшаш хонадонимда савдо дўкони очиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи эдим. Бунинг учун давлат рўйхатидан ўтишим керакми? Агар давлат рўйхатидан ўтмасам, қандай жавобгарлик белгиланган?



Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Давлат рўйхатидан ўтмасдан савдо дўкони ташкил этиш тақиқланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик ашёлари/дўкondaги товарлар/ни мусодара қилган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг

10 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар ушбу ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан бошлаб ўттиз кунлик муддатда тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтилса ҳамда солиқлар тўланса, товарлар мусодара қилинмайди. Шахс жавобгарликдан озод этилади.

ШАРҲ

ПАРРАНДАЧИЛИКда янги давр бошланяпти

Эрта тонг. Маҳаллада ҳали ҳамма ухлаётган бир пайтда, паррандачилик хўжалиги раҳбари ариқ бўйида туриб, чуқур ҳўрсиниб қўйди. У бир неча кундан бери ички бир хавотир билан ҳисоб-китоб қиларди.

Маҳмудхўжа ПЎЛАТОВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул ходими.

Омукта ем нархи кун сайин ошяпти, товукларга зарур эмлаш воситаларини вақтида олиш керак, устига-устак янги инкубатор харид қилиш учун айланма маблағ етмаяпти. Бозорни туҳум ва гўшт билан таъминлаётган бундай тадбиркорларнинг энг катта орзуси — бизнесини хавотирсиз, имтиёзли шартларда кенгайтириш эди.

Нихоят, ана шундай имконият эшиғи очилди. Давлатимиз раҳбарининг “Паррандачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳа ривожига чин маънода ижобий туртки бериши кутиляпти.

Агар сиз паррандачилик хўжалигига эга бўлсангиз ёки паррандалар учун омукта ем ишлаб чиқарсангиз, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб янги кредитларни йиллик атиги 10 фоиз ставкада олишингиз мумкин. Бу бугунги бозор шароитида жуда паст, тадбиркор учун ўта манфаатли кўрсаткичдир. Халқаро молия институтилари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан ажратиладиган бу имтиёз фақатгина 1 сентябрдан кейин тузиладиган шартномаларга тегишли бўлади.



Қарордаги энг қувонарли янгиликлардан бири — янги қувватларни ишга тушириш ҳамда “тайёр бизнес” лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ. 2026 йил 1 августдан бошлаб, йиллик ставкаси 10 фоизлик кредитлар 10 йилгача муддатга берилади. Бунда имтиёзли давр нақд 4 йилни ташкил этади! Бу дегани, тадбиркор дастлабки 4 йил давомида банкка асосий қарзни тўламай, фақат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳсулот ҳажмини ошириш ва оёққа туриб олиш билан шуғулланади.

ТАЖРИБА

ТОШКЕНТ В.

МАСТУРАГА ДАВЛАТНИНГ КЎМАГИ, МАҲАЛЛАНИНГ ДАЛДАСИ РАҒБАТ БЎЛДИ

Даромади фақатгина кундалик эҳтиёжларга аранг етадиган, оиласи Ижтимоий реестрга тушиб қолган инсоннинг қалбидаги изтиробни фақат бошидан ўтказганлар билади.



Дурдона ҲАМИДОВА, Пискент туманидаги “Бекобод” маҳалласи хоким ёрдамчиси.

Мастура Фулмова ҳам яқин-яқингача худди шундай оғир кунларни бошидан кечирди. Унинг тикувчиликка иштиёқи баланд эди, аммо ўз ишини бошлашга на маблағи, на шароити бор эди. Тирикчилик ўтказиш учун турли қорхоналарда ойига атиги 1,5 миллион сўм атрофида маошга меҳнат қилиб юрди. Бироқ, инсонда тинимсиз меҳнат ва юксак интилиш бўлса, давлат берган имкониятлар унга қанот бўлар экан. Бугун Мастуранинг ҳаёти бутунлай ўзгарди — у кечаги оддий ишчидан катта тадбиркорга айланди.

Қийинчиликдан муваффақият сари йўлда унга давлатнинг кўмаги, маҳалланинг далдаси рағбат берди. Яъни,

оилани иқтисодий қийинчиликдан олиб чиқиш учун имтиёзли кредит ажратилди. Замонавий ва юқори сифатли тикув машиналари олиб берилди. Энг муҳими, ишни кенг йўлга қўйиш учун махсус бино ажратилди. Бу маблағ ва эътибор эвазига ўзининг хусусий тикувчилик қорхонасини ташкил этди.

Инсоннинг энг катта ютуғи — ўз бахтини бошқалар билан баҳам кўришидадир. Мастура Фулмова нафақат оиласини камбағалликдан олиб чиқди, балки ўзи каби ишсиз, қийналиб қолган 12 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади.

Бугун бу аёллар ҳам ҳалол меҳнат орқали рўзгорларига барака олиб киришмоқда. Биргина ташаббус ортидан 12 та оиланинг фаровонлиги ошди, бандлиги таъминланди. Ўзининг соф даромади 15-20 миллион сўмга етди.

Бир тақдир мисолида гувоҳ бўлганингиздек, худудда камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш “еттилик”нинг бош вазифасига айланган. Ютуқларимиз омили — бирдамлик ва ҳамжиҳатликда. Яъни, бир фуқаронинг яшаш шароитини ўрганиб, уйма-уй юриш орқали хонадонларни хатлов қилиб чиқдик. Аҳоли билан алоқани янада мустаҳкамлашда, авваламбор, фоллар кўмагига таяндик. “Telegram” канали очиб, ҳар қандай муаммони шу ерда ҳал этишга шароит яратдик.

Бу ислохотлар замирида оддий халқимиз фаровонлиги ва бозорда арзончиликка эришиш мақсади ётибди. Кредитлар тизимининг энгиллашиши ҳисобида ички бозорда товук гўшти ва туҳум маҳсулотлари ҳажми кескин кўпаяди. Рақобат кучайиб, нархлар барқарорлиги таъминланади. Чека ҳудудларда юзлаб янги иш ўринлари пайдо бўлади. “Тайёр бизнес” моделлари орқали нафақат тажрибали тадбиркорлар, балки оддий аҳоли ҳам ўз хонадонида парранда боқиб, барқарор даромад манбаига эга бўлади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Футбол бўйича
ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАР
ТЕРМА ЖАМОАСИ
Осиё ўйинларида Хитой,
Филиппин, Гонгконг
билан беллашади.



Сербияда пара
ўқ отиш бўйича
ўтказилган жаҳон
кубогида ШАҲНОЗА
МАМАЖОНОВА олтин
медаль соҳиби бўлди.



“В+” ва ундан юқори
даражадаги миллий
сертификатга эга
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ
ЎҚИТУВЧИЛАРИГА
УСТАМА ҲАҚ
берилади.

4

Mahalla

№61

2026 йил
1 АВГУСТ,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

АЁЛ САБР ВА ШУҚРГА ОШНО ТУТИНСА, ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММО ТЎСИҚ БЎЛМАЙДИ



Маҳаллада ишлаб, кам бўлмадим. Йигирма тўрт йилдан буён шу ҳудуд аҳолисига дардқаш бўлиб келяпман. Тажрибам давомида турфа хил тақдирларга гувоҳ бўлдим. Одамларни четдан кузатиб, ўзим учун қўллаб хулосалар чиқардим. Агар инсон шуқр ва сабрга ошно тутинса, ҳеч қандай муаммо унга тўсиқ бўла олмаслигини тушуниб етдим.



ҲАМ
РЎЗҒОРНИ
ТЕЖАЙДИ,
ҲАМ БАРАКА
БЕРАДИ

Жондор туманидаги “Тобагар” маҳалласида яшовчи Мафтуна Баротова ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 33 миллион сўм имтиёзли кредит маблағини олиб, хонадон томорқасида 1,5 сотихли замонавий иссиқхона барпо этди.

Айни пайтда бу ерда помидор, бодринг ва картошка етиштирилмоқда. Бу эса оиланинг йил давомида сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қоплаш билан бирга, барқа-

рор даромад манбаини ҳам яратмоқда.

Мутахассислар ҳисоб-китобиغا кўра, 1,5 сотихли иссиқхонадан ўртача 1,5 тонна бодринг ёки шундан ҳам кўпроқ помидор ҳосилини олиш мумкин. Деҳқон унинг бир килограммини ўртача

Меҳнат стажы бўйича ҳам хотин-қизлар ўз салоҳиятини намоён этмоқда. Айниқса, 10-15 йиллик тажрибага эга аёллар улуши 24,3 фоиз бўлиб, бу уларнинг касбий ривожланишидаги муҳим босқични акс эттиради.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХҲАЕВА
тайёрлади.

САЛОҲИЯТ, ТАЖРИБА ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Давлат хизматида бугунги кунда 19 минг 859 нафар хотин-қиз фаолият юритмоқда. Бу жами давлат хизматчиларининг 23,7 фоизини ташкил этади. Ҳар куни минглаб аёллар ўз билим ва фидойилиги билан давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти матбуот хизмати.

Таҳсиллар шуни кўрсатадики, аёлларнинг давлат хизматидаги иштироки тажриба


ортгани сари янада мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, 41-50 ёш тоифасида аёллар улуши 31,1 фоиз, 51-60 ёш тоифасида эса 42,6 фоизни ташкил этади. Бу эса узоқ йиллик тажриба ва профессионал салоҳиятнинг ёрқин ифодасидир.



Жорий йилда “Аёллар дафтари”га 21 нафар ишсиз хотин-қизни рўйхатга олган эдик. Шу даврга қадар уларнинг 18 нафарини турли соҳаларга йўналтиришга эришдик. Айниқса, Янгиҳаёт кўчасидаги паррандачиликка ихтисослашган бир нечта оилавий корхона бу борада бизга катта ёрдам кўрсатди. Қолаверса, сутни қайта ишлаш корхонаси ҳам бир нечта бўш иш ўрни таклифи билан чиқишди.

Тез орада маҳалламизда шоколад ишлаб чиқариш цехи очилади. 50 та иш ўрнига эга мазкур тадбиркорлик объектига меҳнат қилиш истагини билдирган аёллар рўйхатини тақдим этганмиз. Шу кунларда ҳудудимизда “Долзарб 40 кунлик” доирасида қатор ишлар олиб бориляпти. Биринчи навбатда, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Ободонлаштириш ишлари доирасида эса кўчаларимизга райхон кўчалари ўтказилляпти. Зеро, обод юрда қалблар хотиржам, руҳимиз тетик.

Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА,
“Mahalla” мухбири.



билан анча яқин бўлиб қолди. Аввалига оддий суҳбат ва маслаҳатлардан бошланган муносабат кейинчалик сирли учрашувларга айланди. Дилноза буни “вақтинчалик тасалли” деб ўйлади, аммо ўз қилмишининг оқибатини англамади.

Бир куни Жасур тасодифан телефондаги хабарларни кўриб қолди. Унинг ишончи бир лаҳзада парчalandи. Ўртада қаттиқ жанжал бошланди. Хиёнат қалбларга оғир ботди, ҳаммасига нуқта қўйилди. Энг ачинарлиси эса икки нафар фарзанд ўртада сарсон...



Охирги вақтларда шу каби ҳолатлар тез-тез қулоққа чалиняпти. Қалбларни ларзага солаётган аёл хиёнатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Биринчи хато қадам, ўткинчи кечинмалар сабаб оила аталмиш муқаддас кўрғоннинг вайрон бўлиши жамият учун ҳам жуда оғир фожиа.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2026 йилнинг январь-июнь ойларида никоҳдан ажрашилшлар сони 24 минг 815 тани ташкил этди. Таҳлилларга кўра, ҳар минг нафар аҳолига ўртача 1,3 та ажрашиш тўғри келяпти. Кўрсаткични ўтган йилнинг мос даври билан таққосласак, қарийб 1,5 мингтага ошганини кўришимиз мумкин. Афсуски, бузилаётган оила-лар орасида хиёнат йўлини танлаганлар ҳам анчагина.

— Хиёнат кўчасига ҳеч ким ўз-ўзидан кириб қолмайди, — дейди Бектемир туманидаги “Соҳил” маҳалласи “Оқида аёллар” ҳаракати аъзоси Гулнора Примова. — Биринчи навбатда, садоқат туйғуси оиладаги тарбия орқали сингдирилиши зарур. Қолаверса, ёшларнинг ақсарияти фақатгина ота-онанинг келишуви билан турмуш қурапти. Айримлари тўйдан олдин бир-икки ҳафтагина учрашади, холос. Катта ҳаёт эса тавakkал қиладиган ўйин эмас. Йигит билан қизнинг ўзаро бир-бирини ўрганиши учун биров барт беришимиз керак.

Масаланинг энг оғриқли нуқтаси: куёвнинг бошқалар йўл-йўриғига қўриб, турмуш ўртоғига етарлича эътибор кўрсатмаслигидир. Бу ҳолат табиий равишда муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Кейин аёл уйдан эмас, кўчадан меҳр қидиришни бошлайди.


Йил сайин пул топиш илинжида чет давлатга ишлаш учун кетаётган эркеклар сони ортиб борапти. Ойлаб, йиллаб учрашмаган эр-хотин ўртасида меҳр-муҳаббат қоладими? Бутун рўзгор ташвишини ўз зиммасига олиб, қийналиб яшаётган аёлга кўчадагиларнинг ширин сўзи ва далдаси ёқмайди, дейсизми?

Санайдиган бўлсак, сабаблар жуда кўп. Лекин шароити яхши, тинч ва хотиржам яшаётган оила-ларда ҳам аёлни кингир йўлга кириб кетиш ҳолатларига гувоҳ бўляпмиз. Буни ҳеч қандай баҳоналар билан оқлаб бўлмайди. Она ҳар қандай қийинчилик ва синовларни фарзандлари учун ҳам енгишга мажбур. Кимнингдир сохта нағмаси, алдовлари қурбон бўлган аёл оиласидан аввал ўзлигига хиёнат қилган бўлади. Қирқ йилдан буён оилалар билан ишлайман. Қанчадан-қанча эр-хотинларни яраштирдик, мурося қила олмаётганларни келиштирдик. Аммо хиёнат йўлини танлаган аёлни кечирилганини кўрмадим. Шундай экан, қизларимиз қалбда кичиклигидан вафо ва садоқат туйғуларини шакллантириб боришимиз зарур. Ҳақиқий бахт фақатгина фидо-корлик талаб қиладди.

Оилада содир бўладиган хиёнат, уни ким амалга оширишидан қатъи назар, эр-хотин ўртасидаги ишонч ва ҳурматга жиддий путур етказди ҳамда ажрашиш хавфини кучайтиради. Аёл хиёнатини эса оиланинг маънавий муҳити, фарзандлар тарбияси ва жамиятдаги оила институти барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ, ҳар бир оилавий можаронинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, уларни бир томонлама баҳолаш тўғри эмас. Оилада ўзаро ҳурмат, самимий мулоқот, масъулият ва садоқатни мустаҳкамлаш, келиб чиқаётган муаммоларни мурося ва маслаҳат орқали ҳал этиш ажрашишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Мустаҳкам оила эса ишонч, вафо ва ўзаро англашув асосида барпо этилади ҳамда жамият тараққиётининг энг муҳим таянчи бўлиб қолаверади.



Тошкентдаги
йирик савдо
марказларида
КИТОБ
ДЎКОНЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
мажбурий бўлади.



Олийгоҳларда
2026/27 ўқув йилидан
бошлаб, талабалар учун
ЯКУНИЙ ИМТИҲОНЛАР
ВИДЕОКУЗАТУВ
ОСТИДА
ўтказилади.



Ўзбекистон
2027 йилда
футбол бўйича
17 ёшгача бўлган
ўсмирлар ўртасидаги
ОСИЁ КУБОГИГА
МЕЗБОНЛИК
ҚИЛАДИ.

2026 йил
1 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla

№61

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР —
ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ЖИЗЗАХ

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА ҚЎМАКЧИ

Ёшлар етакчиси сифатида иш
бошлаганимга бир йил бўлди. Ростини
айтсам, бошида ҳаммасини бошқача
тасаввур қилган эканман.

Жалолиддин САЪДУЛЛАЕВ,
Ғаллаорол туманидаги
“Қашқабуюлок” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Ўйлагандимки, ёшларнинг му-
аммосини тинглаб, ишга жой-
лаштириб, тадбирларга жалб
қилсам, вазифамни бажарган
бўламан. Лекин бир йил давомида маҳал-
ладаги ҳар бир йигит-қиз билан танишиб,
уларнинг ҳаётига кириб борганим сари ту-
шундимки, бу жараён қоғоз билан эмас, ин-
соннинг тақдирини билан ишлаш экан.

Айниқса, феъли оғирроқ, жаҳли тез чиқа-
диган ёки адашиш ёқасида турган ёшлар-
ни кўпроқ кузатиш кераклигини англадим.
Чунки маҳаллада битта бола нотўғри йўлга
кирса, у ёлғиз кетмайди. Ёнидаги ўртоқла-
рини ҳам эргаштиради. Ёшлар бир-бирига
жуда тез таъсир қилади. Шунинг учун бунга
бепарволик қилиш эмас, аксинча, “нега бун-
дай бўлди?”, деган саволни бериш керак.
Балки уйда муаммо бордир, балки меҳр
етишмагандир, балки шунчаки уни эшитати-
ган одам топилмагандир...

Бир кун шундай хабар келди. Маҳал-
ламиздаги 2006 йилда туғилган бир йигит
билмаган ҳолда Телеграм гуруҳларига диний
маълумотларни улашиб юборгани учун жавоб-
гарликка тортилган ва жазони ўтаб қайтган.
Уни яхши танийман. Шу пайтгача бирор марта
маҳалладан “фалон жойда жанжал қилди”, де-
ган гап чиқмаган. Ўзи ёмон бола эмас. Шунчаки
ёшлиги, билимсизлиги сабаб нимани улашиш
мумкин, нимани мумкин эмаслигини ажрата
олмаган. Лекин қонун барчага баробар. Аммо
мени кўпроқ ўйлантирган нарса бошқа эди.
Жазо тугагандан кейин бу бола яна кимга суя-
нади? Бундай пайтда, албатта, биз унинг ёнида
булишимиз керак эди. Ишга кириши учун ҳуж-
жатларини тайёрлашга ёрдам бердик. Тез-тез
сухбатлашдик. Баъзида одамга кўпроқ “Сенга
ишонамиз”, деган бир оғиз жумла куч беради.

Шундан кейин спортга янада кўпроқ эъ-
тибор бера бошладик. Чунки спорт орқали
ёшларнинг ёнига кириш осонроқ экан. Май-
донда улар бемалол гаплашади, ичидагини ай-
тади. Кимдир югуришда ўзини кўрсатади, ким-
дир стол теннисида. Энг муҳими, улар ўзини
керакли одамдек ҳис қилади. Натижа ҳам ёмон
бўлмади. Ёшларимиз туман миқёсида енгил
атлетика бўйича иккинчи, стол тенниси бўйича
учинчи ўринни олишди. Медалдан ҳам қиммат-
лироғи — уларнинг кўзидаги ишонч эди.



Бугун маҳалламизда
1 минг 939 нафар ёш
яшайди. Кўпчилиги
деҳқончилик, чорвачилик
билан шуғулланади. Йил
бошида рўйхатда турган
21 нафар ёшни айнан
шу соҳаларда банд
қилдик. Ўтган йили
69 нафар йигит-қизга
25-30 сотихдан ер
ажратилди. Кимдир
картошка экяпти, кимдир
помидор, кимдир сабзи.
Меҳнат қияпти,
даромад топяпти.



МАЪНАВИЯТ

БОЛАМ ЎҚИМАЯПТИ... Балки муаммо китобда эмасдир?

“Болам ўқимаяпти...”, “Китобга умуман қизиқмайди”, “Қўлидан телефон тушмайди”, “Компьютер
ўйинидан ажратиб бўлмайди...” Бугун ота-оналар орасида энг кўп такрорланадиган шикоятлар
мана шулар. Гуё замонавий технологиялар фарзандларимизни китобдан узоқлаштириб қўйгандек.
Аммо ҳар қандай муаммонинг илдизи бўлади. Биз эса кўпинча илдизни эмас, шохларини кесишга
уришиб қоламиз.

Динара МЎМИНОВА,
болалар ёзувчиси.

Бир лаҳза ўйлаб кўрайлик.
Фарзандимиз телефонни
яхши кўриб қолишидан олдин
биз унда китобга меҳр уйғота
олдикми? У ҳали харфларни танима-
сидан туриб эртак эшитиб ухлаганми?
Қўлига рангли китоб тутқазганимиз-
ми? Бизнинг кўлимизда телефон эмас,
китобни кўрганми? Бола ҳеч қачон
китобни севиб туғилмайди. Уни китоб
билан таништирадиган ҳам, китобни
дўстга айлантирадиган ҳам ота-онадир.
Мактаб болага савод беради, лекин ки-
тобга муҳаббатни оила беради.

Бугун кўпчилигимиз фарзандимиз
билимли бўлишини истаймиз. Чет тил-
ларини билсин, яхши университетда
ўқисин, катта лавозимларда ишласин,
деймиз. Аммо шу орауларнинг пой-
деворини қўйишга вақт ажратаямиз-
ми? Иш, рўзгор, тирикчилик ташвиши
билан югуриб юриб, фарзандимиз-
нинг қоринни тўйдиришга улғурамиз,
кийимини янгилаймиз, телефонини
ҳам алмаштириб берамиз. Аммо унинг
маънавий очлигини қондиришни
кўпинча унутамиз.

Аслида, инсон мияси
бўшлиқни ёқтирмайди. Агар
бу бўшлиқни китоб тўлдир-
маса, уни телефон эгаллай-
ди. Агар уни эртақлар банд
қилмаса, ижтимоий тар-
моқлар банд қилади. Агар
уни қизиқарли ҳикоялар ўзи-
га тортмаса, чексиз видеолар
тортади. Шунинг учун ҳам
муаммо телефоннинг ўзида
эмас. Муаммо — боланинг
ички дунёсини нима билан
тўлдирётганимизда.

Бугун исталган хонадонга кириш.
Энг чиройли жойни телевизор эгалла-
ган. Ҳар бир хонада телефон қувватла-
гичи топилади. Интернет узилиб қолса,
ҳаммамиз безовта бўламиз. Аммо уйда
китоб жавони борми? Бор бўлса ҳам,
ундаги китобларни охириги марта ким
варақлади? Фарзандимиз бизни ки-
тоб ўқиётганимизни қачон кўрди? Бо-
лалар насихатни эмас, намунани қабул
қилади. Ота кечкурун диванга чўкиб
телефон тита, она бўш вақтида ижти-
моий тармоқларда сайр қилса, бола
китобни қаердан севад? “Ўқи!”, деган
буйруқдан кўра, қўлида китоб билан
ўтирган ота-онанинг жим намунаси
минг марта яхшироқдир.



Дунёнинг ривожланган
мамлакатларида китобхон-
ликка мактабдаги фан сифа-
тида эмас, оилавий маданият
сифатида қаралади. Болага
туғилган кунда уйинчоқ бил-
лан бирга китоб ҳам совға қи-
линади. Кечкурун ота-оналар
фарзандларига овоз чиқариб
китоб ўқиш беради. Қутубхо-
нага бориш оилавий сайр-
нинг бир қисмига айланган.
Юртимизда ҳам китоб-
хонликни ривожлантириш
бўйича салмоқли ишлар
амалга оширилмоқда. Мам-
лакатда минглаб қутубхо-
налар фаолият қоритмоқда,
миллионлаб китобхонлар
улардан фойдаланмоқда.
Электрон китоблар сони ҳам
ортиб борапти. Лекин булар-
нинг барчаси фақат имко-
ният. Уни натижага айлан-
тирадиган куч эса барибир
оиладир.

Кўпчилик болани китоб
ўқишга мажбур қилади.
“Қўнига ўттиз бет ўқийсан”,
“Китобни тутатмагунингча
ташқарига чиқмайсан”, дей-
ди. Натижада бола китобни
жазога тенглаштириб қўяди.
Ваҳоланки, китоб завқ бери-
ши керак. У мажбурият эмас,
кашфиёт бўлиши керак. Пе-
дагоглар бежиз айтмайди:
китобга муҳаббат мажбурлаш
билан эмас, ижобий ҳиссиёт
орқали шаклланади.

Бола ўқиган кито-
би учун мактов эшитса,
бирга сайр қилса ёки
кичик совға олса, унинг
онгига китоб ёқимли
туйғулар билан боғла-
нади. Қизиқувчан бола-
лар билан эса китобни
муҳокама қилиш янада
самаралироқ. “Қаҳра-
мон ўрнида сен бўл-
санг нима қилардинг?”,
“Ҳикоянинг давомини
қандай тасаввур қил-
динг?”, каби оддий са-
воллар боланинг та-
факкурини ишлатади.
Шунда китоб матн эмас,
суҳбатга айланади.

Боланинг қизиқишини ҳам
унутмаслик керак. Спортни яхши
кўрадиган болага спортчилар
ҳақидаги китобни беринг. Кос-
мосга қизиқса, юлдузлар ҳақида
ўқисин. Ҳайвонларни яхши кўрса,
табиат ҳақидаги рангли китоблар-
ни варақласин. Муҳими, аввал
китобни севадириш. Кейин у ўзи
бошқа китобларни ҳам излай бош-
лайди.

Яна бир оддий, аммо жуда
муҳим одат бор. Оилада китоб
билан боғлиқ анъаналар яратинг.
Ҳафтада бир кун оилавий мутлоа
кечаси бўлсин. Туғилган кунларда

китоб совға қилинг. Сафарга чиқа-
ётганда сумкага сув ва егулик би-
лан бирга китоб ҳам солинг. Бола-
га кечаси беш дақиқа эртак ўқиб
бериш баъзан бир неча соатлик
насихатдан кўра кучлироқ таъсир
қилади. Фарзанд тарбияси катта
ишлардан эмас, ҳар кун такрор-
ланадиган кичик одатлардан бош-
ланади. Бугун беш дақиқа китоб
ўқилган хонадонда эртага фикр-
лайдиган авлод улғаяди. Чунки
китоб фақат ўқишни эмас, тинг-
лашни, тушунишни, ҳис қилишни,
фикр юритишни ҳам ўргатади.

Шунинг учун бугун “бо-
лам ўқимаяпти” деб
шикоят қилишдан олдин
ўзимизга битта савол бе-
райлик: биз фарзандимиз
учун китоб ўқиладиган
муҳит яратдикми? Чунки
китобхон бола тасодифан
улғаймайди. Уни китоб ҳи-
дини севадиган, мутлоаани
қадрлайдиган, энг муҳи-
ми, ўзи китоб ўқийдиган
ота-оналар вояга етказади.
Фарзанднинг қўлига китоб
тутқазилишини ўзи кифоя
эмас. У китобни севиши
учун аввало биз китобхон
бўлишимиз керак. Зеро,
болалар биз айтганимиз-
ни эмас, биз қилганимизни
такрорлайди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Барно НАВРЎЗОВА. Сирдарё вилояти:

— Қизим яқинда ҳиссиётга берилиб,
бир танишини ҳақорат қилиб қўйибди.
Бу ҳолат юзасидан унга маъмурий жа-
рима қўлланилди. Ҳозир қизим педаго-
гика йўналишида 3-босқич талабаси. Шу
ҳолат унинг келажақда ишга жойлаши-
шига, онлайн текширувларда маълумот
чиқишига сабаб бўлмайdimи?

Олим КОМИЛОВ,
ҳуқуқшунос,
адвокат:

— Сиз баён
қилган ҳолатда
қизингизнинг
“102” хизматиға
муурожаат қилга-
ни билан боғлиқ
ҳолат учун Маъ-
мурий жавоб-
гарлик тўғриси-
даги кодекснинг
199-моддаси
асосида маъ-
мурий жарима
қўлланилган.
Бу ҳуқуқбузар-
лик маъмурий
ҳисобланади ва
жиноят сифатида
баҳоланмайди.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ҲАЛИЛОВА
тайёрлади:

“Маъмурий жарима

ФАРЗАНДИМИНГ КЕЛАЖАГИГА ТАЪСИР ҚИЛАДИМИ?”



Жиноят кодексининг 77-модда-
сига кўра, судланганлик фақат шахс
жиноят содир этгани учун суднинг
айблов ҳукми қонуний қучга киргани-
дан кейин юзага келади. Сизнинг хо-
латингизда эса жиноят иши қўзғатил-
маган, суд ҳукми чиқарилмаган, фақат
маъмурий жарима қўлланилган.

Шунинг учун қизингиз судланган
шахс ҳисобланмайди, уни жиноятчи
деб баҳолаш учун ҳуқуқий асос мав-
жуд эмас. Мазкур ҳолат келажақда
унинг педагог сифатида ишга жойла-
шишига тўсқинлик қилмайди ҳамда
судланганлик ҳақидаги маълумот си-
фатида қайд этилмайди.



**БОЛАЛАРГА
НИСБАТАН
ЗЎРАВОНЛИК
ҲАҚИДА ХАБАР
БЕРИШ УЧУН
“12-46” ҚИСКА
РАҚАМЛИ Call-марказ
ишга туширилди.**



**Ичимлик сув
тарифларини
тасдиқлаш ваколати
ҳукумат ҳузуридаги
ИДОРАЛАРАРО
ТАРИФ
КОМИССИЯСИГА
ўтказилади.**



**Ўзбекистонда
ДАРОМАДГА
ҚАРАБ СОЛИҚ
УНДИРИШ
ТИЗИМИНИ
жорий этиш
таклиф қилинди.**

6

Mahalla

№61

2026 йил
1 АВГУСТ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

МУЛОҲАЗА

Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асари-ни барчамиз севиб муталаа қилганмиз. Бош қаҳрамон Ҳошимжоннинг бошдан кечирган саргузаштлари ҳали-ҳамон ёдимизда. Бир қарашда воқеалар кулгули ва тўқимадек кўриниши мумкин.

Боқиманда бўлган қарам,

МЕҲНАТ ҚИЛГАН МУКАРРАМ БЎЛАДИ

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Лекин масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, ёзувчи жамиятдаги жуда долзарб муаммони кўтарганини англаймиз. Унда осон йўл билан муваффақиятга эришиш истагининг салбий оқибатлари кўрсатилади. Қаҳрамон айрим вазиятларда меҳнат қилиш ўрнига енгил йўл излайди. Бироқ воқеалар ривожини давомидида у ҳақиқий ютуққа фақат билим, меҳнат ва масъулият орқали эришиш мумкинлигини англайди. Шу жиҳатдан асар ёшларни боқимандалик ва ялқовликдан йироқ бўлишга, мустақил ҳаёт кечирishга ундайди.

Афсуски, бу мавзу бугун ҳам инсониятнинг оғриқли нуқталаридан бири бўлиб қолмоқда. Жамият тараққиёти одамларнинг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги ва масъулиятига бево-сита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, боқимандалик кайфияти ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.



“Маҳалла еттилиги” вакиллари билан суҳбатлашганимизда, боқимандалик кайфиятига берилган фуқаролар ҳақида афсус билан гапиришади. Гарчи соғлом ва меҳнат қилишга лаёқати бўлишига қарамай, фақат давлат берадиган моддий кўмакка кўз тикиб яшайдиган кишиларнинг тақдир этилаётган имкониятлардан фойдаланишни ҳам истамаслиги жуда ачинарли. Ҳатто, муҳтож оилаларга берил-диган болалар нафақасини олиш учун кўпроқ маош берадиган ишга жойлашиш-дан бош тортадиганлар ҳам бор. Бу тоифадаги аҳоли вакиллари фақат ўзининг эмас, балки оиласи ҳамда жамият тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатишини тан олмай иложимиз йўқ.

— Боқимандалик кайфиятининг шаклланишига турли омиллар сабаб бўла-ди, — дейди Бўка тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психолог Зилола Худоёрова. — Аввало, тарбия жараёнида фарзанднинг мустақил қарор қабул қилишига етарлича имконият берилмаслиги, барча эҳтиёжларининг тай-ёр ҳолда қондирилиши унда қарамлик ҳиссини кучайтиради. Шунингдек, ай-рим ижтимоий шароитлар, ишсизлик, иқтисодий қийинчиликлар ёки узоқ вақт давомидида ташқи ёрдамга ўрганиб қолиш ҳам боқимандаликни кучайтириши мумкин.

Айни вақтда “Аёллар дафтари”-га киритилган “қўлимдан ҳеч нарса келмайди”, “менга эрим қилиб бе-риши керак”, деган фикрда қотиб қолган хотин-қизлар билан машгу-лотлар олиб бораёلمиз. Хусусан, “Дўстлик” маҳалласидаги опа-син-гилларимиз ўзлари учун керакли хулосаларни чиқарди.

“Ачамойли” маҳалласида яшай-диган Мухайё Каримова (исми ўзгартирилган) ва унинг турмуш ўртоғида узоқ йиллар давомидида боқимандалик кайфияти ҳукмрон-лик қилиб келган. Иккисининг масъулиятсизлиги сабаб оила муҳтожликда кун кечирган. Уларга ёрдам бериш мақсадида тўрт ой давомидида манзилли ишлар олиб бордик. Суҳбатлар жараёнида таъ-сирли сўзлар билан эр-хотиннинг қалбини уйғотишга уриндик. Шуқр-ки, меҳнатимиз бесамоор кетмади. Оила бошлиғи савдо йўналишида доимий ишга жойлашди. Мухайё эса уч нафар фарзандидан ортиб, уй шароитида сутни қайта ишлаш билан шугулланыпти.

Демак, боқимандалик кайфияти нафақат иқтисодий ёки ижтимоий, балки психологик муаммо ҳамдир. Уни бартараф этиш учун инсонда ички ғайрат, ўз-ўзига ишонч ва шах-сий масъулият ҳиссини ривожланти-риш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ёшларда меҳнатга ҳурмат, мустақил фикр-лаш ва шахсий масъулият туйғусини шакллантириш зарур. Таълим муас-сасаларида амалий кўникмаларни ривожлантириш, тадбиркорлик ма-даниятини кенг тарғиб қилиш, ҳар бир инсоннинг меҳнати қадрлана-диган муҳитни яратиш муҳим аҳа-миятга эга. Шу билан бирга, ижтимоий ёрдам тизими ҳақиқатан ҳам эҳтиёж-манд қатламларни қўллаб-қувватла-ши, аммо меҳнат қилиш имконияти мавжуд шахсларда қарамлик эмас, балки фаолликни рағбатлантириши лозим.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

**Термиз шаҳридаги
“Мангузар” маҳал-
ласида “Она уйи”
ресурс маркази ўз
фаолиятини бош-
лади.**

Маржон
ТОШМУРОДОВА,
журналист.

Мазкур мар-каз-нинг ишга туширилиши оғир ҳаётий вази-ятга тушиб қолган аёллар ва уларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ғимоя-сини кучайтириш ҳамда ижтимоий етчимликнинг олди-ни олиш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири.
Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Меҳр, эътибор ва кўмак инсон тақдирини ўзгартирар экан...

Ҳаётим оғрик ва машаққатли дамларга тўла бўлди. Туғил-ган кунимданоқ тақдир ачиқ қисмат билан юзлаштирди. Онам туғуруқ-хонада мендан воз кечди. Бола-лигим меҳрдан кўра, зўравон-лик ва қийин-чиликлар билан ўтди.



Бироқ ҳаётимда шундай инсонлар учрадики, улар яшаш, орзу қилиш ва келажакка ишонишим учун куч бер-ди. Оилавий болалар уйи ташкил қилиб, мени ўз бағрига олган бувижоним туфайли ҳаётим бутунлай ўзгарди. Ўшанда илк марта ҳақиқий оила тафти нималигини ҳис қилдим. Бу болалар шаҳарчаси, қиз болалар ўқув-тарбия муасса-сининг совуқ деворларини унутишимга ёрдам берди.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларга берилаётган имтиёзлар сабаб Гулистон давлат университетининг амалий психология йўналишига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Талабалик йиллари янги мақсад ва янги орзулар даври бўлди.

Кейинчалик Президент совғаси сифатида уй берилди. Бу шунчаки тухфа эмас, балки мустақил ҳаёт сари қўйилган мустақкам қадам бўлди. Жо-рий йилнинг июнь ойида университетни муваф-фақиятли тамомлаб, танловларсиз ишга қабул қилиндим. Ҳозирги кунда Ховос туманидаги “Қо-рақум” маҳалласида ижтимоий ходим сифатида фаолият юритяпман.

СИРДАРЁ



Флора РИДАНОВА,
Ховос туманидаги “Қорақум” маҳалласи ижтимоий ходими.

Бугун ҳеч қандай ёрдамга муҳтож эмасман. Аксинча, бошқаларга кўмак бериш шарафига эга бўлган ижтимоий ғимоя тизимининг бир бўлагиман. Буни катта масъулият ва ишонч, деб биламан.

Қисқа вақт ичида бир оилага “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағи ҳисоби-дан озиқ-овқат ҳамда кийим-кечак учун моддий ёрдам ажратилишига кўмаклаш-дим. Шунингдек, яна бир оила билан ижтимоий сўровнома ўтказиб, уларга бола-лар нафақаси тайинланишида амалий ёрдам бердим.

Бу ишларни амалга оширишда “маҳалла еттилиги” вакилларининг ҳамкорлиги ва қўллаб-қувватлаши катта таянч бўляпти. Биргаликда ҳар бир оиланинг муаммо-сини ўрганиш, уларнинг эҳтиёжларига ечим топиш йўлида ҳаракат қиляёلمиз.

Мен одамларнинг дардини яхши тушунаман. Чунки ўзим ҳам бир вақтлар меҳрга, эътиборга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганман. Шу боис ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини ҳис қилиб ишлайман.

Шу кунга қадар эришган на-тижаларим давлатимизда инсон қадрли туғулганини, ижтимоий ғимоя тизими орқали муҳтож инсонларга ҳақиқий ғамхўрлик кўрсатилаётганининг кичик бир намунаси, десам бўлади. Агар менга берилган имкониятлар бўлмаганида, эҳтимол бугунгидек иштиёқ билан меҳнат қилмасдим.

Энди мен ҳам бошқаларнинг ҳаёти яхши томонга ўзгаришига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Энг катта мақсадим — ҳар бир эҳтиёжманд оилага ўз вақтида ёрдам кўрсат-тиш, уларнинг ишончини қозониш ва ижти-моий ғимоя тизими орқали турмуш тарзи яхшиланишига муносиб ҳисса қўшишдир. Чунки мен яхши биламан: инсонга ўз вақти-да берилган меҳр, эътибор ва кўмак баъзан бутун бир тақдирни ўзгартириши мумкин.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

**Косонсой туманининг
“Навбахор-1” маҳалласида
яшовчи, Ижтимоий реестрнинг
“давлат таъминотидаги
оила” тоифасига киритилган
Ибодиллохон Қодировга
30 миллион сўм имтиёзли
фоизсиз кредит ажратилди.**

Зулайхо ЗАЙНИДДИНОВА,
журналист.

Мазкур маблағ натижасида у эркаклар сартарошхона-си фаолиятини йўлга қў-йишга эришди.

— Йиллар давомидида фақат орзуларга берилиб яшадим, — дейди Ибодиллохон Қодиров. — Тўғриси айтсам, уларнинг амалга ошишига ҳам ишон-май қўйгандим. Лекин “маҳал-ла еттилиги”нинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан кўзлаган маррамни забт эт-дим. Кечагина ишсиз эдим, бугун эса Фаол тадбиркорга айландим. Яратиб берилган бу имкониятлардан унумли фой-даланиб, халқ учун астойдил хизмат қилишга тайёрман.



Лойиха доирасида замонавий жихозлар билан таъминланган сар-тарошхона ишга туширилиб, икки нафар фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди. Бу эса аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга, янги иш ўринлари яратиш ва оиланинг барқарор даромад манбаига эга бўли-шига хизмат қилмоқда.



1 августдан солиқ органларининг МИЖОЗЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК ИНДЕКСИ жорий этилади.



Ўзбекистонда палма ёғига 10 фоизлик АКЦИЗ СОЛИҒИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАКЛИФ қилинди.



Давлат солиқ қўмитаси "AI SOLIQ" — сунъий интеллект асосида ишлайдиган платформани ишга туширди.

2026 йил
1 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla №61

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Ишонч яхши, лекин ҳуқуқий муносабат қонуний бўлгани маъқул

Ишхонада навбатдаги ҳужжатларни кўздан кечириб, фуқаролардан келган мурожаатларни ўрганиб ўтирган эдим. Эшик секин тақиллади. “Кириш”, дедим. Ичкарига ўрта ёшлар чамасидаги аёл кириб келди. Чехрасидаги хавотирни яширишга уринаётган бўлса-да, қўлларининг титраши ва овозидаги ҳадик унинг жиддий муаммога дуч келганини сездириб турарди. “Менга ёрдам бера оласизми?” — деди у ўтиришга ҳам улгурмай.



ХОРАЗМ



Шерали ДУШАНОВ, Тупроққалъа туманидаги “Муҳаббат”, “Нукус маскани” ва “Ёшлик” маҳаллалари солиқ инспектори.

Аёлнинг ҳикояси-ни тинглар эканман, бугун маҳаллаларда энг кўп учраётган муаммолардан бири яна кўз унгимда гавдаланди. У оиласи билан саккиз ойдан буён ижарада яшар экан. Ҳар ой келишилган пулни уй эгасига нақд топширган. Аммо бирор марта ижара шартномаси тузилмаган. “Биз бир-биримизга ишонамиз, қоғознинг нима кераги бор”, деган гап билан масала ёпилган.

Бир неча кун аввал эса вазият бутунлай ўзгарган. Уй эгаси уйни сотишини айтиб, уч кун ичида хонадонни бўшатишни талаб қилган. Аёл эса икки нафар вояга етмаган фарзанди билан қаерга боришни билмай қолган. Энг ачинарлиси, у тўлаган ижара ҳақлари, келишилган муддат ёки бошқа шартларни тасдиқлайдиган бирорта ҳам ҳужжат йўқ эди. Оғзаки келишув эса ҳуқуқий ҳимоя бера олмасди.

Мурожаатни ўрганиш давомида уй эгаси ҳам суҳбатга таклиф қилинди. Маълум бўлишича, у бир неча йилдан буён уйини ижарага бериб келган, бироқ даромадини расмийлаштирмаган, ижара шартномаларини тузишни ортиқча қоғозбозлик, деб ҳисоблаган. Аслида, бу бепарволик нафақат қонунчилик талабларига зид, балки келажақдаги низо-ларга ҳам замин яратаётган эди.

Суҳбат давомида уй эгасига ижара даромадини қонуний расмийлаштиришнинг афзалликлари, ижарачига эса шартнома тузиш ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим воситаси экани батафсил тушунтирилди. Томонлар ўзаро келишувга эришди. Ижара муносабатлари қонуний тартибда расмийлаштирилди ва муаммо тинч йўл билан ҳал қилинди.

Ишонч яхши фазилат, аммо ҳуқуқий муносабатларда ишонч қонун билан мустаҳкамлангандагина ҳар икки томон ўзини хотиржам ҳис қилади. Солиқ инспектори сифатида маҳаллаларда олиб бораётган тушунтириш ишларимизнинг асосий мақсади ҳам шундан иборат: фуқаролар қонуний йўл тутса, уй эгаси ҳам, ижарачи ҳам ортиқча ташвиш ва келишмовчиликлардан ҳимояланган бўлади. Ахир, қонуний расмийлаштирилган ижара нафақат давлат талаби, балки ҳар бир оиланинг хотиржамлиги гаровидир.

ҚУЛАЙЛИК

TADBIRCORE.UZ — кредит таклифлари энди ягона платформада

Тадбиркорларга молиявий хизматлардан янада қулай фойдаланиш имконини яратиш мақсадида Марказий банкнинг tadbircore.uz платформаси ишлаб турибди.



Ушбу электрон платформа орқали тадбиркорлар кредит олиш учун ягона ариза топшириб, турли тижорат банкларининг таклифларини бир жойда таққослаш ва ўзларига энг мақбул шартларни танлаш имконига эга. Платформа тадбиркорларнинг ҳар бир банкка алоҳида мурожаат қилиб, ҳужжат топшириш заруратини камайтиради. Шу билан бирга, банклар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, миқозларга янада манфаатли таклифлар тақдим этишга хизмат қилади.

Кредит олиш истагидаги тадбиркорлар tadbircore.uz орқали электрон тарзда ариза юборишлари мумкин. Бунинг учун электрон рақамли имзо (Е-ІМЗО) талаб этилади.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ТАҲЛИЛ

Ҳар сафар янги уй-жой лойиҳаси эълон қилинса, минглаб одамлар умид билан навбатга туради. Кимдир умр бўйи йиққан жамғармасини, кимдир банкдан олган кредит маблағини ҳали пойдевори ҳам тўлиқ битмаган уйга тикади. Чунки улуш киритиш асосидаги уйлар одатда тайёр хонадонга қараганда арзонроқ бўлади. Аммо бу арзонлиқнинг иккинчи томони ҳам бор — таваккал.

“ЭСКРОУ” НАРХНИ ОШИРАДИМИ ЁКИ ТАВАККАЛНИ КАМАЙТИРАДИМИ?

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Сўнгги йилларда қурувчи ташкилотларга ишониб пул тўлаган, бироқ йиллар давомида уйини ололмаган фуқаролар сони оз бўлмади. Баъзи қурилишлар маблағ етишмагани сабаб тўхтаб қолди. Айрим компаниялар банкрот бўлди. Натижада одамлар на уйга, на пулига эга чиқа олди. Энг ёмони, бундай ҳолатларда фуқаронинг маблағини қайтариш жуда мураккаб жараёнга айланади.

Айнан шу муаммони бартараф этиш учун дунёнинг кўплаб давлатларида “эскроу” тизими жорий қилинган. Унинг моҳияти оддий: харидорнинг пули қурувчининг қўлига эмас, банкдаги махсус ҳисобварақда сақланади. Қурувчи уйни белгиланган тартибда топширгандан кейингина маблағдан фойдаланади. Демак, “эскроу” тизими қурувчини эмас, аввало, харидорни ҳимоя қилади.

Лекин бу тизим ҳақида гап кетиши билан бошқа мавзудингача чиқмоқда: “Уй нархи ошиб кетади”. Одамлар шу каби хавотир билан саросимага тушапти. Тўғри, қурувчи энди харидорнинг пулидан эркин фойдалана олмайди. Қурилишни давом эттириш учун банкдан кредит олиши мумкин. Бу эса маълум харажатларни келтириб чиқаради. Лекин иқтисодиётда битта қоида бор: таннарх билан бозор нархи бир нарсаси эмас. Агар шундай бўлганида, бир хил маҳсулотни ишлаб чиқараётган барча корхоналар уни бир хил нархда сотган бўларди. Ҳолбуки, нархни харажат эмас, талаб ва таклиф, рақобат ва бозор шароити белгилайди.

Натижада бозорда фақат тайёр уйлар эмас, балки қурилишдаги улушлар ҳам эркин муомалага киради. Бу эса таклифни кўпайтиради. Таклиф ортган жойда эса нархларнинг сунъий ошиши кийинлашади. Энг муҳими, “эскроу” тизими бозорда ишончни оширади.



Бугун кўплаб одамлар қурилиш энди бошланган уйни сотиб олишдан чўчийди. Сабаби, улар пулининг тақдирини қандай бўлишини билмайди. Ишонч бўлмаган бозорда эса талаб ҳам секинлашади. “Эскроу” тизими ана шу ишончни оқлайди. Одамлар бундан қўрқмаслиги керак. Чунки харидорнинг пули ҳимояланади. Қурувчи эса банк назорати остида ишлайди.

Шундай экан, бугунги бахсининг марказида “уй нархи неча фоизга ошади?” деган савол эмас, “фуқаронинг миллиардлаб сўм маблағи қандай ҳимоя қилинади?” деган савол туриши керак. Чунки уй нархи вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Аммо бир марта йўқотилган ишончнинг қайта тиклаш жуда қийин.

“Эскроу” тизими ҳам вақт, назорат ва амалиёт талаб қилади. Аммо битта ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди: қурилиш бозорининг келажаги фақат кўпроқ уй қуриш билан эмас, балки фуқароларнинг маблағини ишончли ҳимоя қилиш билан ҳам белгиланади. Ана шунда бозорда нафақат уйлар, балки ишонч ҳам қад ростилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Низомиддин АШУРОВ, Жиззах вилояти:

— Мен субсидия асосида уй олганман ва ҳозир унинг кредити тўланапти. Агар шу уйни сотсам, кредитга кафил бўлган одамни кафилликдан чиқариш мумкинми? Бунинг учун нима қилишим керак?

Камол ЭРҒАШЕВ, Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи:

— Агар сиз субсидия асосида уй-жой олган бўлсангиз ва ипотека кредити ҳали тўланмаган бўлса, ушбу уйни сотишингиз мумкин. Бироқ бунда кредит бўйича мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш ва кафилликни ўзгартириш фақат кредит ажратган банкнинг розилиги билан амалга оширилади.

Уй сотилганда янги харидор ипотека кредити бўйича қарздор сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Бунинг учун банк унинг тўлов қобилиятини ўрганади ва зарурат бўлса, янги кафил тақдим этилишини талаб қилади. Банк ижобий қарор қабул қилганидан сўнг кредит шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Шундан кейингина аввалги кафил кредит бўйича мажбуриятлардан озод этилади. Яъни сиз уйни сотганингиз билан кафил тўғридан-тўғри кафилликдан чиқмайди. Бу масала банкнинг розилиги ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин ҳал этилади.

УЙ СОТИЛСА, КАФИЛ КРЕДИТДАН ОЗОД ЭТИЛАДИМИ?



Тошкент шахрида
СВЕТОФОРЛАР ЎЗАРО
СИНХРОН ИШЛАШИГА
АСОСЛАНГАН
“Яшил тўлқин”
тизимининг илк
йўналиши ишга
туширилди.



Ўзбекистон
фуқароларининг
Қирғизистонда
РЎЙХАТДАН
ЎТМАСДАН
БЎЛИШ МУДДАТИ
15 кунгача
узайтирилди.



Йил бошидан бери
Тошкентда қарийб
80 минг йўловчи
АВТОБУСДА
ЧИПТАСИЗ ЮРГАНИ
учун жаримага
тортилди.

8

Mahalla

№61

2026 йил
1 АВГУСТ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ТАКЛИФ

...2026 йилнинг 22 июль тонги. Ҳали қуёш чиқмасдан “112” тезкор рақамига ваҳима ва йиғи аралаш кўнғироқ бўлди. Гўшакнинг у томонида турган она йиғлаб, нажот сўрарди. Маълум бўлишича, оилавий жанжал оқибатида эри уни кўчага ҳайдаб юборган. Энг дахшатлиси, икки нафар мурғак гўдаги уй ичида ўта маст ҳолатдаги ота билан қулфланган эшиклар ортида қолиб кетган...

БИР ФОЖИАНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ, АММО...

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Хабар олиниши билан инспектор воқеа жойига етиб борди. Хонадон дарвозаси ичкаридан занжирланган, кўчада турган онанинг эса қўрқув ва хавотирдан бутун вужуди титтарди. Ичкаридаги маст ота болаларга бирор зарар етказиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Ҳар бир сония қадрли эди. Вазиятни тўғри баҳолаган ходим ҳаётини хатарга қўйиб, баланд девордан ошиб, ҳовлига тушди. Болалар хавфсиз жойга олиб чиқилди. Лекин қутилмаганд маст ота ўз жонига қасд этиш билан таҳдид қила бошлади. Инспекторнинг ҳушёрлиги эҳтимолий жиноятнинг олдини олди.

Биринчидан, низоли оилалар ва сурункали ичкиликка ружу қўйган шахслар билан ишлашда “еттилик” таркибига малакали психолог ва соҳа мутахассисларини кенг жалб этиш лозим. Чунки оилавий эўравонлик ва ичкиликбозлик кўпинча чуқур руҳий инқироз, тушқунлик ёки тажовузкорлик маҳсули бўлади. Бунинг олдида тарғибот суҳбати билан эмас, балки профессионал психологик реабилитация орқали даволаш мумкин.



Иккинчидан, ичкиликка ёки руҳий феолиқни ўзгартирувчи моддаларга қарам бўлган фуқароларни фақатгина рўйхатга олиб қўйиш эмас, балки уларнинг ихтиёрий ёки мажбурий тартибда тўлиқ тиббий соғайиши, даволаиши курсларидан ўтиши ва кейинчалик жамиятга мослашуви устидан қатъий тиббий-ижтимоий назорат тизимини ўрнатиш зарур. Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари билан бу борадаги ҳамкорлиги қозғоғда эмас, ҳаётда ишлаши шарт.

Учинчидан, маҳаллаларда низоли вазиятларни боравақт аниқлаш учун жамоатчилик назоратини янги босқичга олиб чиқиш керак. Ҳар бир кўча ва кўп қаватли уйларида “Қўш-ничилик маданияти ва сергаклик” тизимини кучайтириш лозим. Қўш-нилар жанжалларни “биронинг оилавий сири” деб ҳаспўшмасдан, вақтида маҳаллага ёки инспекторга хабар бериши муҳим.

Дарҳақиқат, инсон руҳияти билан боғлиқ муаммоларга тўғри ечим топиш мажмуавий ёндашуви талаб этади. Бу гал профилактика инспекторининг мардлиги муҳим ҳолатнинг олдини олди. Аммо муаммони тўлиқ бартараф этиш учун жамият бирдек масъул бўлиши шарт. Агар юқоридаги тақдирлар асосида кенг камровли соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этилса, эҳтимолий жиноятларнинг илдизини барвақт қирқилгаша эришамиз.

Шу ўринда бир савол барчани ўйлашга, фикрлашга ундайди. Нега ота шунча тарғибот суҳбатларидан тўғри хулоса чиқармади? Нима учун уни тўлиқ соғайиши назоратга олинмади?

— Ушбу оилада аввал ҳам низолар бўлиб турарди, — дейди Вобкент туманидаги “Сариосиё” маҳалласи профилактика инспектори Жасур Орзиев. — Шу боис доимий профилактик суҳбатлар ўтказиб борганмиз. Бироқ, спиртли ичимлик ўз кучини кўрсатди. Тўғри, ўша кунни жиноятнинг олди олинди. Лекин тарғибот тадбирлари самара бермагани кишини ўйлантиради. Бунинг сабаби ўрганилганда, фуқаронинг руҳиятида жиддий ўзгаришлар борлиги маълум бўлди. Гувоҳ бўлганингиздек, фақатгина ҳуқуқий таъсир чоралари бундай вазиятларда чора эмас. Шу боис муаммага тизимли ечим сифатида бир қатор амалий тақдирларни илгари сурмоқчиман.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

“Қайси хонадонда низо бор, қайси ёш ишсиз, ким ёрдамга муҳтож — БАРЧАСИ “ЕТТИЛИК”НИНГ НАЗОРАТИДА

...Тонгги соат 06:00. Қуёш Сурхон тоғлари ортидан аста-секин бош кўтариб, маҳаллани нурга тўлдирмоқда. Бу ер оддий жой эмас — Ватанимизнинг остонаси, икки қўшни давлат билан чегарадош бўлган стратегик ҳудуд. Агар шу олис қишлоқдаги ҳар бир хонадонда тинчлик бўлса, бутун юртимиз хотиржам ухлашини дилдан ҳис қиламан.



Шерзоди МАЖИДЗОДА,
Узун туманидаги
“Толтўғай” маҳалласи
профилактика инспектори,
капитан.

Улғари вазирамиз, асосан, содир бўлган жиноятни фош этиш ва айбдорни жазолашдан иборатдек туюларди. Бугун “Чилонзор тажрибаси” асосида иш ташкил қилиб, ўзгача ёндашув йўлга қўйилди. “Жиноят содир этилишини кутиб ўтирма, унинг илдизини олдиндан топиб, бартараф эт!” даъват шиорага айланди.

Иш кўнимни жиноятчилик ҳолатини таҳлил қилиш ва рақамли криминоген харитани кўздан кечиришдан бошлайман. Қайси хонадонда низо бор, қайси ёш ишсиз, ким ёрдамга муҳтож — бари диққат марказимда бўлиши шарт.

Куннинг асосий қисмини “еттилик” билан биргаликда аҳоли ўртасида ўтказаман. Биз текширувчи эмасмиз, кўмакчи сифатида уларнинг қалбига кириб бораемиз. Уйлари айланиш давомида ҳар бир фуқаро билан дилдан суҳбатлашамиз. Оилавий келишмовчиликларни жойида ҳал этиш, пробацция назоратидаги шахсларнинг қайта жиноят йўлига кирмаслиги учун ишга жойлаштирамиз. Чегараолди ҳудуд бўлганимиз боис, аҳоли орасида доимий ҳушёрликни ошириш, бегона ва шубҳали шахслар ҳақида вақтида хабар бериш бўйича тушунтириш ишларини олиб бораемиз.

Самарадорлик янада ортишини истаган ходим ташаббус билан ишлаши керак. Мен ҳам шу фикрга таяниб, “Хавфсиз чегарадош маҳалла” кўнгиллилар гуруҳини ташкил этдим. Унга маҳалла ёшлари ва фаоллари жалб қилинди. Тунги вақтларда жамоат тартибини сақлашда менга яқиндан кўмак беришяпти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ижара шартномаси бор, МУЛҚДОР РОЗИЛИГИ КЕРАКМИ?

Воҳиджон ҚАЛАНДАРОВ,
Учтепа тумани:

— Турар жойнинг ижара ёки текин фойдаланиш шартномаси мавжуд бўлганда, фуқарони турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун мулкдорнинг розилиги талаб этиладими?



Ушбу сондаги
барча мақолалар
матнни мустахкам
Феруза ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат
хавфсизлиги департаменти ахборот
хизмати ходими:

— Агар ижара шартномаси (солиқ ташкилотидан рўйхатдан ўтказилган) ёки текин фойдаланиш шартномаси мавжуд бўлса, фуқарони турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олишда мулкдорнинг қайтадан розилиги талаб этилмайди.

Чунки ижара ёки текин фойдаланиш шартномасининг ўзи уй эгасининг яша-шингиз ва рўйхатдан ўти-шингизга берган расмий розилиги ҳисобланади.

Унинг муддати турган жойи бўйича рўйхатга олиш шартномада кўрсатилган ижара (фойдаланиш) муддати тенг бўлади.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

Олис ҳудуд бўлсак-да, бу ерда ҳам интернетдан фойдаланувчилар жуда кўп. Шу сабабли рақамли хавфсизлик тарғиботида алоҳида ўрин берганмиз. Ҳар бир хонадонда фуқароларга, айниқса, ота-оналар ва ёшларга пластик карта кодларини ҳеч кимга айтмасликни, шубҳали ва текин пул ваъда қиладиган ҳаволаларга кирмасликни ўқитяемиз. Маҳалламиз — “яшил” тоифадаги ҳудуд.

Олис ва чегараолди ҳудудларда хавфсизликни таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича тақдирларим бор. Жумладан, рақамли назорат тизимини кенгайтириш керак. Яъни, ҳудуднинг кириш-чиқиш йўлларига, марказий кўчаларида юзни танийдиган (Face-ID) замонавий тунги видеокузатув камераларини кўпайтириш керак. Бу маҳаллага ташриф буюраётган бегона ва шубҳали шахсларни масофадан туриб, назорат қилиш имконини беради.

Қишлоқ аҳолиси ва ёшлар ўртасида интернет фибрибгарлиги қурбонига айланиш ҳолатлари кўпаяётганини ҳисобга олиб, туман миқёсида “маҳаллабай” юрадиган мобил тарғибот гуруҳларини тузиш керак. “Маҳалла еттилиги”нинг ўзаро маълумот алмашинувини тезлаштириш учун ягона ички электрон платформа ёки ёпиқ мобил илова яратиш мақсадга мувофиқ. Бу муаммолар оилалар, ёшлар билан ишлашда вақтни тежаш ва қозғобозликни камайтиришга хизмат қилади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 359 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820

